

Одоб, тарбия ва маънавий гўзаллик қиз бола учун энг қимматбаҳо сеп ва меросдир

ЖДПИ ўқитувчиси Г.Бозорова

Айтчи дўстим, ҳаёт қандай бўларди,
Қизлар туғилмаса, она бўлмаса?!
Ўзинг ҳам дунёга қайдан келардинг,
Онанг сени туғиб, қувнаб кулмаса.
(ўзбек хикматларидан)

Инсон ўз ҳаётини оиласиз тасаввур қилолмайди ва айнан мана шу оилада у жамият аъзоси сифатида тарбия топади. Оидаги тарбия муҳити эса оилада аёл ва унга бўлган муомала даражасидан, аёлга муомала мавқиедан бошланади.

Оила деганда биз қадим-қадимлардан одамлар орасида жуфтлик яшадини ва бу шароитда ушбу оиланинг давомчилари, фарзандларнинг дунёга келишини кўзда тутамиз. Оиланинг муқаддаслиги – бу эр билан аёлнинг қонуний никоҳдан ўтиб, биргаликда бахтли ҳаёт кечиришлари билангина чегараланиб қолмайди, балки улар насл-насабининг давомчиси бўлган фарзандлар, уларнинг тарбияси, халқ ва давлат учун фойдали инсон бўлиб вояга етиши ҳам бевосита оилага боғлиқдир.

Қадим донишмандлар оилагагилар хотин ҳаракатига эргаширлар, деб оилада аёлнинг ўрнини юқори баҳолаганлар. Дарвоқе, хотинларнинг ўрни ва мавқие, юриш-туриши ва ўзларини тута билишлари фақат оилага эмас, ҳатто бутун бир халққа таъсир этиши ҳам мумкин. Шунинг учун аёллари тарбияли бўлган халқ-тарбияли, ожизалари тарбиясиз бўлган халқ-тарбиясиз, аёллари тиришқоқ ва тадбиркор бўлган халқ бой-бадавлат, аёллари исрофгар ялқов бўлган халқ фақирдир деган хикматли гаплар бекорга айтилмаган.

Буюк бобокалонимиз Амир Темур оилага давлат ишларидек муносабатда бўлганликлари бежиз эмас. Масалан, Соҳибқирон фарзандлари ва набираларига келин танлашда бўлғуси келиннинг етти насл-насабини суриштирган. Чунки у киши шундай қилганда оила илдизлари бақувват бўлиб, соғлом авлод дунёга келади деб билганлар.

Давлатимиз оналик ва болалик қонун билан ҳимоя қилинган. Никоҳ ёшига етмаганлар билан никоҳдан ўтиш мумкин эмас. 17 ёшда никоҳдан ўтган қизлар 18 ёшга тўлмасдан аввал эр никоҳни бекор қилиш ҳақида иш кўзғотолмайди. Бундай қоидалар туғиладиган боланинг ҳамда ёш отанинг, онг-шуури тўла шаклланиб улгурмаган қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган.

Халқимиз биринчи ўринда онамизнинг бизни илк кўриб боқишдан, дадамизнинг “қани бизнинг асал қизимиз катта қиз бўлиб қолипти-ку”, деган илиқ сўзларидан шаклланиб дилимизга сингиб боради. Она алласи орқали гўдакнинг дилига оила руҳи, ота-она меҳри, ватан туйғуси ва мухаббати

сингиб боради. Ота-она руҳини, меҳрини дилига жо қилмаган бола руҳан майиб бўлиб ўсади ва умрбод шундай қолади.

Табиат сирларининг моҳиятига етмоқчи бўлган ҳар бир инсон атрофдан гўзаллик излайди. Бу гўзаллик гул, ранг, нур, жозиба ва бошқа кўринишларда кўп ҳолларда алоҳида учраса, уларнинг ҳаммаси мужассам бўлган биргина мавжудот бу аёлдир! Гул табиатда қанчалик нафис, нозик бўлса унга муомала ҳам шунчалик нозик, эҳтиёткорона бўлади. Аммо оилада аёл зотига, ёш қизалокқа кўпинча ўғил боладан бутунлай фарқ қиладиган муомала лозимлигини эсда тутмаймиз.

Оналар фарзандларига фарзанд ролини, биринчи ўринда қизларига қиз фарзандлик ролини ўргатишлари керак. Шу ўринда оиланинг бошқа аъзоларини ҳам қиз болага қандай муомалада бўлишни ўргатиш оналар вазифаси. Энг асосийси, она қиз болага қиз болаликни, оналикни, бекаликни ва шунга ўхшаш минглаб мураккаб хусусиятларни ёшликдан жо қилиб бориши керак.

Она қизига сингдираётган бу хислат, фазилат ва хусусиятлар нафақат ҳозирги ота-она оиласи руҳий муҳитини соғломлаштиради. Энг асосийси, қиз болани келгусида ўз оиласида соғлом муҳит ташкилотчисига айланади. Шунинг учун, қиз боланинг ўғил болага нисбатан болаликдан ўсмирликка ўтиш даври илгарироқ бошланишини кўздан қочирмаслик керак.

Қизалоғингизни кўғирчоқ ўйнаётган пайтда бир кузатинг-а, у жонсиз кўғирчоққа жонли инсондек муомалада бўлади. Ўзича у билан гаплашади, уни овқатлантиради, сўнг ўз кароватига олиб бориб ухлатади, “ухламаса” алла ҳам айтади. Унинг мана шу жажжи вужудида оналик туйғуси уйғонаётир. Шу қизалоғингиз эрта-индин кичкина пешбандча тақиб ошхонада ўралашса ёки дадасининг рўмолчасини тезгина ювиб қўйса, қувонинг. Борди-ю овқатга тузни бироз қўпроқ солиб қўйган бўлса асло қийин. Аксинча, ёнига бориб, унинг қилган ишларини мақтанг, “мана бундай қилсанг яна ҳам яхши бўларди” дег. Чунки, сиз онасиз, у сизнинг ҳар бир нигоҳингиздан нимадир кутиб, сиздан ўрганиб, сизга суяниб яшайди. Буни ҳеч қачон унутманг. Қизни турмушга тайёрлигининг осон йўли ҳам шунда.

Ҳамма одоб ва ахлоқ китобларида битилганидай, қиз бола ота-она оиласида асира, меҳмон. Унга юмшоқ муомалада бўлиш, бор имкониятлардан биринчи ўринда қиз болани манфаатдор қилиш лозим. Шундай экан, одоб, тарбия қиз бола учун энг қиммат баҳо мерос ва сеп бўлишини унутмаслик керак.

Оила аъзоларини она ёки сингилга меҳрибон қилиб тарбиялаш ва опа ёки сингилни оила аъзоларига меҳрибонликка ўргатиш биринчи ўринда ота-она, бутун оила аъзоларининг зиммасида бўлади. Аммо оиладаги муҳит қиз бола билан боғлиқ ҳолларда онанинг ўрнини босадиган шахс топилмайди. Чунки қиз бола ҳаётидаги ҳар хил жисмоний ўзгаришларни фақат оналаргина яхши билади.